

Қличева Дилдорнинг

**«ТАРИХИЙ РОМАНЛАРДА ЛЕКСИК ҚАТЛАМГА ОИД
СЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(Б.АҲМЕДОВНИНГ “АМИР ТЕМУР” РОМАНИ МИСОЛИДА)
»**

мавзусидаги

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар

доц. Қ.Қодиров

Нукус- 2014 й.

Режа:

Кириш

I боб. «Амир Темур» романидаги историзм ва архаизмларнинг тарихий асослари.

1. Асарда кулланилган тарихий каламга оид туркий сузлар.
2. Асарда кулланилган тарихий катламга оид арабча сузлар.
3. Асарда кулланилган тарихий катламга оид форсча- тожикча сузлар.

I I боб. «Амир Темур» романидаги историзм ва архаизмларнинг вазифадош хулосалари.

1. Асар тилидаги ишлатилган историзмлар.
2. Асар тилидаги архаизмлар.
 - а) лексик архаизмлар.
 - б) грамматик архаизмлар.

Хулоса.

Мундарижа.

Кириш _____ 4

I Боб. «Амир Темур» романидаги историзм ва архаизмларнинг тарихий асослари _____10

1. Асарда кулланилган тарихий катламга оид

туркий сузлар _____ 10-14

2. Асарда кулланилаган тарихий катламга оид

арабча сузлар _____ 14-18

3. Асарда кулланилган тарихий катламга оид

форсча – тожикча сузлар _____ 18-22

I I Боб. «Амир Темур» романидаги историзм ва архаизмларнинг вазифадош хусусиятлари _____ 22

1. Асар тилида ишлатилган историзмлар _____ 25-34

2. Асар тилидаги архаизмлар _____ 34

а) лексик архаизмлар _____ 35-37

б) грамматик архаизмлар _____ 37-38

Хулоса _____ 39

Фойдаланилган адабиётлар _____ 44

КИРИШ

Бадий асар тилини, хусусан, унинг лексикасини атрофлича урганиш масаласи узбек тилшунослигидаги гоят мухим масалалардан биридир. Чунки бадий адабиёт материали «поэтик тил» ёки бадий нутк назариясининг манбаи булиш билан бирга адабий тил тарихининг яратилишида, унинг грамматик курилишини, масалан, синтактик курилиши ёхуд лексик, фразеологик тизимини характерловчи, тараккиёт йули ва йуналишларини курсатувчи асосий манба булиб хисобланади.¹

Бадий асар тили адабий тил системасининг асосини ташкил килади. Бу сохадаги мулохаза эса адабий тил системаси тараккиётининг маълум томонини ёритишга каратади. Бадий асар тилини, умуман лексик томондан тахлил килиш, асар гоёсини ва у билан боглик булган эмоционал мазмунни ифодаловчи лингвистик воситаларни курсатиш² демакдир. Чунки бадий асар тили мазмунни акс эттирувчи восита булиб, шу мазмун билан узвий богликдир. Шу сабабли «бадий асар тили узининг бадий эстетик сифатлари билан адабий тилнинг барча курунишларидан ажралиб туради»³.

Демак, бадий асар тилини урганиш тасвирий воситалар: метофора, сифатлаш, эпитетларни ёки факат лингвистик воситаларни ёзувчи тасвирлаган образдан, шунингдек, асарнинг умумий гоёвий йуналишидан ажратган холда руйхат килиш эмас, балки биринчи навбатда тил воситаларининг бадий асар мазмунини ташкил этувчи борликни канчалик акс эттирганлигини, уларнинг «тил воситаларининг шу мазмунни канчалик

¹ В.В.Виноградов. Наука о языке. Художественной литературы и её задачи. Изд/АН-СССР/ М 1958. 3-5 б

² А.В.Шерба. Опыт лингвистического толкования стихотворений. Советское языке знания. Вып.111. 1928. 123б.

³ А.И.Ефимов. О языке художественных произведений. Учпедгиз М. 1954. 4 б.

хакконий гавдалантира олганлиги ва укувчини бу хакикатга кай даражада ишонтира олганлигини курсатишдир»¹.

Бадий асар тили образли тилдир. Унинг асосий вазифаси образлар, характерлар, манзаралар яратишдан иборат. Аник бадий асар тилини унинг гоёвий эстетик мундарижаси, образлар тизими, жанр ва услуб хусусиятларидан ажратган холда тасаввур қилиш мумкин эмас. Бадий адабиётда суз билан образ бир бутун холда идрок этилади.² Бадий асар тилини урганиш унинг мана шундай умумий ва жузъий хусусиятларидан келиб чиқмоғи лозим.

Айрим тадқиқотчилар бадий адабиёт тилини адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан урганишни бир-бирига қарама-қарши қуйишади. Шунга мувофиқ, бадий адабиёт тилини урганадиган фан икки хил бўлмоғи лозим: адабиётшунослик услубияти ва лингвистик услубият.³

Бу қараш тарафдорларининг фикрича, адабиётшунослик услубияти адабиёт назариясининг бир қисми бўлиб, лингвистик услубиятга асосланади ва маълум давр адабиёти, маълум асар учун характерли бўлган бадий ифода воситаларини бадийликни юзага келтирувчи факторларни урганади. Бу нуқтаи назардан бадий асарнинг гоёвий –эстетик қиймати тил воситалари ёрдамида ҳосил қилинади. Бошқача қилиб айтганда, бадий асарнинг етакчи қисми шу асрнинг образлар тизимидан ташкил топади. Бадий асарда тил элементларини эстетик вазифаси реаллашмайди, балки тил элементлари бадий асар таркибида бадий-эстетик вазифа касб этади. Бу вазифанинг характери шу асарда тасвирланган образлар ва воқеаларнинг бадий эстетик қийматига боғлиқ бўлади. Тил воситалари бир хил образ ва воқеалар тасвирида бир хил эстетик вазифани бажарса, бошқа образ ва воқеалар тасвирида тамомила

¹Изучения языка писателя, сборник статей. Учпедиз. Ленинград. 1957. 36.

² А.И.Ефимов. Образная речь художественного произведения. Слова и образ. Вопросы лит. 1959 №8

³ И.В.Арнольд. Статистика современного английского языка. М.1974. стр.10.

бошка эстетик вазифани бажаради.¹ Шунинг учун бадий асарда ишлатилган тил воситаларнинг узидан эмас, балки мазкур асарда тасвирланган образ ва воқеаларнинг эстетик вазифасидан кидирмок лозим.

Бадий адабиёт тили услубияти баҳси тугрисида ёзилган тадқиқотлар куп. Бу тадқиқотлар орасида академик В.В.Виноградовнинг ишлари муҳим урин тутади. Аслини олганда, бадий адабиёт тили услубиятининг алоҳида фан сифатида шаклланиши ҳам академик В.В.Виноградов номи билан боглик. В.В.Виноградов уз тадқиқотларида бадий адабиёт тили соҳасини адабиётшунослик ва тилшунослик соҳаларидан ажратиб урганиш гоёсини илгари сурган ва бу гоёни хар томонлама асослашга уринган олимдир. Унинг ёзишича, «бадий адабиёт тили услубияти адабиётшунослик ҳам тилшунослик ҳам булмайди, лекин бу фан адабиётшунослик ва тилшунослик фанларига таянади.²

Бугунги кунга келиб бадий адабиёт тилини урганишда узбек тилишунослиги анча бой тажрибага эга булди. Агар биз узбек адабиёти тилига бағишланган илмий тадқиқотлар илмий-методик томондан бир типдаги ишлар эмаслигини курамиз. Бу жихатдан узбек бадий адабиёти тилига бағишланган тадқиқотларни куйидагича гурухлаш зарурлигини курсатади:

1. Узбек мумтоз бадий адабиёти тилини урганишга бағишланган илмий тадқиқотлар.
2. Узбек демократик бадий адабиёти тилини урганишга бағишланган илмий тадқиқотлар.
3. Хозирги замон бадий адабиёти тилини урганиш асосан собик иттифок дарида кенг кулоч ёзди.

Мумтоз шоирларнинг асосий асарлари янги алифбода нашр килинди, бу асарлардан анчасининг танкидий матни тайёрланди, уларнинг тили

¹ Л.И.Тимофеев. Основы теории литературы. М. 1959. 244 б.

² В.В.Виноградов. Наука о языке художественной литературы и её задачи. М. 1960.

буйича катор номзодлик диссертациялари ёкланди. Навоий асарларнинг тили буйича докторлик диссертацияси химоя килинди¹. Бу тадқиқотларнинг купчилигида соф лингвистик масалалар ёритилган.

Ўзбек мумтоз бадиий адабиёти тилини урганиш соҳасида килинган муҳим ишлардан бири сифатида А.Навоий асарларининг изохли лугатини курсатиш мумкин.² Навоий тили фразеологияси буйича ҳам лугат нашр эттирилади. Бу асосан «Ҳазоин ул маоний» асари манбалари асосида яратилган.³

Сунги йилларда Навоий асарлари тили буйича унлаб илмий тадқиқотлар яратилди ва Навоий асарлари тили ва услубининг турли аспекти ёритилди. А.Каримов «Фарход ва Ширин» достонининг лексик-семантик хусусиятлари буйича номзодлик диссертациясини химоя килди.⁴

Муаллиф достонидаги омоним, синоним, антонимларни, метофорик суз куллаш воситаларини бирма-бир таҳлил қилади. Навоий асарлари тилига бағишланган тадқиқотларда шоир асарларида ишлатилган синонимлар,⁵ кушма сузлар⁶ каби масалалар ёритилади.

Сунги йилларда ўзбек мумтоз адабиёти проза жанрининг тилини урганишга ҳам уринишлар бўлди. Бу жиҳатдан Х.Мамадовнинг «А.Навоий прозасининг узига хос лексик-семантик хусусиятлари» номли иши бошқа тадқиқотлардан фарқ қилмайди. Лекин ишнинг охирида муаллиф ўзбек мумтоз адабиётида қулланган катор услубий усулларга тўхталадики, бу усуллар бадиий адабиёт тилини урганишда алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбек демократик бадиий адабиёти тилини урганишга бағишланган илмий тадқиқотлар асосан Муқимий ва Фуркат асарларининг тили

¹ А.Рустамов. А.Навоий асарлари тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари. Док.дис. Т. 1966.

² П.Шамсиев, С.Иброҳимов. Навоий асарлари лугати. Т. 1972.

³ Э.Умаров. Фразеологик лугат «Ҳазоин ул маоний» Алишер Навоий. Т.1971.

⁴ А.Каримов. А.Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достони тили ва услубида лексик-семантик хусусиятлар. Канд. дис. Т. 1993.

⁵ Ш.Раҳматуллаев. А.Навоий асарлари тилидаги синонимларнинг урганилиши. Т. 1965.

⁶ Б.Вафоев. А.Навоий лирикасида мураккаб отлар. Кан. Дис. Т.1968.

хакидаги тадқиқотлардан иборат. А. Шомахсудов 1956 йилда Муқимий асарларининг тили юзасидан намзодлик диссертациясини химоя қилди. 1971 йилда, «Муқимий сатирасининг тили» номли лирик илмий иши босмадан чиқди.

А.Ахмедовнинг тадқиқотларида Фуркат асарлари тилининг лексикаси таҳлил қилинган.

Собик иттифок давридаги бадиий адабиёт тилини урганишга бағишланган тадқиқотлар куп. Бу тадқиқотларда масалага асосан дифференциал ёндашилган. Уларнинг баъзиларида масаланинг бир томони ёритилса, бошқаларида муаммонинг иккинчи томони ёритилади. Шунинг учун бу давр бадиий адабиёти тилига бағишланган ишларни уларда қутарилган асосий муаммолар бўйича таҳлил қилиш уринли. Ўзбек бадиий адабиёти тилига бағишланган ишларда қурсатилган муҳим муаммолардан бири бадиий нутқнинг моҳияти ва уни урганиш усуллари муаммосидир. Академик Ш. Шоабдурахмонов бадиий нутқ моҳиятини биринчилардан бўлиб фольклор материалида текширган олим.¹

Кейинчалик у ёзма бадиий адабиёт тили бўйича ҳам бир қанча ишлар яратди.² Бадиий адабиёт тилини урганишнинг тамойиллари Ўзбекистон фанлар академиясининг муҳбир аъзоси профессор Г. Абдурахмонов ишларида ўз ифодасини топди.³

Таникли ёзувчи истеъдодли адабиётшунос П. Кодиров ўзбек реалистик прозасининг тили юзасидан «Халқ тили ва прозаси», «Халқ тили ва реалистик проза» каби мақолаларни эълон қилди.⁴ С. Турабековнинг «Тил ва услуб» номли илмий ишида ҳам дostonда тил ва услуб масалалари тақлил қилинди.

¹ Ш. Шоабдурахмонов. «Равшан» дostonининг тили ва услуби. Канд.дис. Т. 1949.

² Ш.Шоабдурахмонов. Ойбек романларининг тили. «Шарқ юлдузи» журн. 1955 №10.

³ Г.Абдурахмонов. Адабий асарлар тилини урганиш хақида. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. Т. 1966.

⁴ У. Т. А. 1970. №1, №2.

Узбек бадий адабиёти тили мутахассисларидан бири гурухининг тадқиқотларида аниқ бадий асарларнинг тили урганилган. Бадий адабиёт тилининг лугат таркибига бағишланган тадқиқотлардан К. Самадов ва Э. Киличевларнинг ишларини курсатиб ўтиш мумкин. К. Самадов «Ойбекнинг тилдан фодаланиш маҳоратининг баъзи масалалари» номли ишида бадий ижод жараёнида ёзувчининг суз танлаш санъати тақлил қилинади. Э. Киличев эса «Садриддин Айний асарларидаги историзм ва архаизмлар» номли кандидатлик диссертациясини химоя қилди.

Катор тадқиқотларда узбек бадий адабиёти тилининг фразеологик бойлиги урганилди. Фразеология узбек тилшунослигининг ёш соҳаси, шунга қарамай узбек фразеологияси бўйича бир қанча тадқиқотлар юзага келди.¹ Бу тадқиқотлар бадий адабиёт тили фразеологик бойлигини урганишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, узбек бадий адабиёти тилини урганиш масаласида анчагина тажриба тупланган. Шу тажрибаларга суянган ҳолда биз ҳам Б. Аҳмедовнинг «Амир Темур» романининг айрим тил хусусиятларини урганамиз.

¹Ш. Раҳматуллаев. Ҳозирги узбек тилидаги фразеологик бирикмаларнинг асосий маъно турлари. Т. 1955. Уша автор. Узбек тилининг қискача фразеологик лугати. Уша муаллиф. Узбек тили фразеологиясининг изоҳли лугати. Т. 1978. Уша муаллиф. Нутқимиз қурқи. Т. 1972.

I БОБ.

Б.Ахмедовнинг «Амир Темур» романидаги историзм ва архаизмларнинг тарихий асослари.

Тил лексикасининг тарихий ривожланиш ва шаклланиш хусусиятларини билиш учун тилнинг лугат таркибидаги сузларни тарихий этимологик катламларга ажратиш зарур. Б.Ахмедовнинг «Амир Темур» романини тарихий этимологик нуктаи назардан текширганда аввало тарихан генетик жихатдан узбек тилининг узиники булган сузларни белгилаб оламиз. Булар узбек тилида кадимдан мавжуд булган туркий сузлардир. Бундай сузлар узбек тили лексикасининг асосий негизини ташкил этувчи кадимий катламдир. Сунгра узбек тили тарихан кайси тиллар билан алоқада булганлигига караб асар таркибидаги чет элларнинг элементлари ажратилади. Мана шу нуктаи назардан, масалан, узбек тилининг лугат таркибидаги кадимий сугд тили, хитой тили, араб тили, мугул тили, форс-тожик тили ва бошқаларнинг элементларини ахтариш конунийдир. Бу тиллар узбек тилининг лугат таркибига турли даврларда, турли даражада, турли йуллар билан таъсир этган. Шунга кура узбек тилига утган сузнинг сони ҳам турли даражадир.

Шундай килиб, асар тили лексикасини тарихий этимологик нуктаи назардан текшириш икки масалага каратилади:

- а) асар тили лексикасидаги уз сузларни белгилаш;
- б) асар тили лексикасидаги узлашган сузларни белгилаш.

1. Асл туркий сузлар.

Узбек тили лугати таркибида тарихан кадимги даврлардан бери мавжуд булиб келган купгина туркий сузлар мавжуд. Генетик жихатдан кадимги туркий уруг ва қабила тилларининг лексик бойлиги хисобланган

бундай сузлар хозирги туркий тилларнинг умумий лексик бойлигини ташкил этади.

Хозирги узбек адабий тили ва узбек тили шеваларида кулланувчи сузларга назар ташланса, уларда кадимги даврларга оид бир катор сузларнинг борлигини курамиз. Хозирги узбек тилидаги кадимги туркий сузлар, айникса, туркий тилларнинг VI- VI I асрларга оид ёки XV асрга оид ёзма обидалар ва тарихий туркий манбаларга доир асарлар, уларнинг тили асосида тузилган лугатларни, глоссарийларни вараклаганда кузга яккол ташаланади. Бундай кадимги сузлар «Амир Тему́р» романида куплаб ишлатилган. Биз уларнинг диққатга сазовар тарихий шаклларини олишни лозим курдик. Масалан, асарда табиат манзарасини ифодалаш мақсадида «коким» хайвоннинг номини келтиради: *Айникса коким ва самур мул экан.* (328-б). Ёзувчи бу ерда уша жойнинг овчиликка кулайли жой эканини тасвирлаш мақсадида ушбу сузни куллаган. Асарда ёзувчи киши аъзоларининг номларидан бири кулнинг кадимий шаклини ишлатади: *Чигатойхон хонадони мулозимларининг илгига топирилиши адлу инсоф намунаси булур эрди.* (183-б).

Навоий тилида ҳам илк-кул маъносида ишлатилган.(Т. А. Л)

Асарда ижтимоий – сиёсий ҳаёт билан боглик сузлар ҳам фаол ишлатилиши диққатни узиға жалб килади. Бу саҳоға яккол мисол була оладиган сузларни куйидаги мисолларда курамиз: *Биринчи галда улуг коон Чингизхон замонидан бери улусға эғалик килиб келган чигатойларни, яъни Чигатойхон авлодини хокимиятдан узоклаштиради.* (9-б). Коон- хокон, хукмдорнинг унвони, буюк подшоҳ; улус-халқ, эл маъносида кулланилган. Шунинг билан бирға кичик бошлик номларидан бек, унбоши ва юзбоши кабилар фаол ишлатилган. *Беклар, унбоши ва юзбошилар хар ким уз тути билан нималарнидир сузлашиб турар эдилар* (19-б). Асарда яна мингбоши ва туманбоши сузлари ҳам ишлатилган. *Мингбошими ва хатто, туманбошими килиб куйса ҳам ухдасидан чикатургон углонға ухшайдур,*

деган фикрга келди хон унинг хусусида (32-б). Бу ерда ёзувчи ёш Темурбекнинг фазилатларини курсатиш мақсадида куллайди. Юкорида келтирилган сузлар кейинги уринда харбий бошлик вазифасида кулланилган. *Уша кун кечкурин туманбошлар, мингбошлар ва юзбошлар амир Хусайиннинг чодирга мажлисга тупландилар (92-б).* Ёзувчи бу сузлардан уша даврда улусни идора килувчи шахсларни курсатиш мақсадида фойдаланган.

Ёзувчи амал ва мансаб номларидан ҳам бир канчасини куллаган. Куйида шулардан энг фаол ишлатилганларини куриб чиқамиз. Топмачи ва доругачи сузлари шулар жумласидандир. *Олмалик билан Бешбаликда раиятдан топмачи ва доругачилар йигиб юбориб турган олик-соликни ечиб-ичиб кун кечирдилар (7-б).* Доругачи-шахарда тартиб сакловчи маъмур, шахар бошлиги; топмачи-мугуллар хукмронлиги остидаги вилоят ва мамлакатларда харбий бошлик. Муаллиф юкоридагилар билан бир каторда жарчи ва тавочи сузларини ҳам ишлатган. *Тавочилар билан жарчилар теварак атрофга жунатиб курайлик (84-б).*

Бу сузларни ёзувчи хоннинг ёки бирор амалдорнинг буйругини ва хабарини таркатувчи кишиларни курсатиш мақсадида ишлатади. Навоий тилида ҳам худди шу маънода кулланилган. (Н.А.Л)

Муаллиф асарда туркийча эскирган сузларнинг сарой хаёти билан боғлиқ қисмидан ҳам унумли фойдаланган, Асарда сарой хизматкорлари номларидан эшик ога сузи фаол ишлатилган. *Куринишхонада бир четда турган бахши билан эшик огадан бошка хеч ким йук.* Юкорида келтирилган мисолда «куринишхона» сузи «кабулхона» маъносида кулланилган. Ёзувчи бу сузларни хон кабулхонасининг таркиби курсатиш мақсадида ишлатган. *Тобуг маросими адо этилгач, хон Темурбекка деди (32-б).* Тобуг сузини саройдаги хар кунги одатни ифодалаш мақсадида ишлатган.

Асарда подшоҳ томонидан бериладиган инъом турларидан суюрғол ва укулка кенг сузлардан кенг фойдаланган: *Темурбекка суюрғол килиб берди* (33-б). *Сипохийларга укулка улашди*. Ёзувчи бу сузларни хоннинг урушидан кейинги такдирлашларини ифодалаш мақсадида қуллаган: Жазо турларидан чубиясак сузи фаол ишлатилган. *Бир қисмини чубиясоққа гирифтор этди* (42-б). Сарой амалдорлари номларидан битикчи сузи ҳам ишлатилган. *Кария Тухтамишхоннинг битикчиси экан* (422-б).

Асарда харбий соҳага оид сузлар, айникса, купрок учрайди. Масалан «кушин» сузининг кадимги « черик » шакли қулланилган. *У кейинги пайтда умаро билан черик уртасида нуфузи ҳаддан зиёд ортиб кетган бу одамдан куркарди*. Шунингдек, асарда харбий соҳага оид хировул, чиндовул сузлари фаол ишлатилган. *Хировул ва чиндовулларга ҳам муносиб беклар қуйилди*.(99-б). Муаллиф бу соҳадаги сузларнинг купрок кушин қисмлари билан боғлиқ бўлганларидан унумли фойдаланган. Бундай сузлардан баронгор, жавонгор, гул сузлари фаол қулланилган. *Шу ернинг узида баронгор, жавонгор ва гулни сафлаб Тошарик устига қараб юрдилар* (99-б). Шулар билан бирга ясол сузи ҳам фаол қатнашган: *Мугуллар ҳам шу тарзда ясол тузиб турган эканлар* (99-б). Юкорида келтирилган мисолларнинг ҳаммаси кушиннинг тузилиш тартиб ва унинг таркибий қисмларини ифодалаш мақсадида қулланилган.

Асарда яна диққатни жалб қилувчи мисоллардан бири «туғ» сузидир. Бу суз байрок маъносида қулланилган. *Қиска вақт ичида унинг туғи остига каттагина лашкар жам бўлди* (33-б). Шулар билан бирга асарда хуфъя сузи ҳам ишлатилган. Бу суз қулланилган маъносига қура юкорида келтирилган хировул, яъни разведкачи сузига яқин туради. *Юборилган хуфъялар эса ханузгача дом-дараксиз* (135-б). Бу билан муаллиф асар тилининг тарихийлигини оширган.

Хуллас, ёзувчининг романда уша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни акс эттириш учун умумтуркий ва узбекча сузлардан унумли фойдаланилгани куриниб турибди.

2.Арабча сузлар.

Асар тилида аслида арабча булган анчагина сузлар учрайди. Арабча сузларнинг узбек тилида мавжуд булиши утмишда Урта Осиё худудининг араблар томонидан истило килиниши ва бунинг тарихий –ижтимоий окибатлари билан боғлиқдир. Арабларнинг Урта Осиёга кириб келиши даври VII аср урталарига тугри келади. VIII асрда араблар Урта Осиёни батамом истило килади. Боскинчилар барча маҳаллий халклар жумладан туркий халкларнинг ҳам анъанавий адабиёти, маданиятини йукотиш, дини ва тилини таъкиклашга интилди. Маҳаллий ёзувлар урнига араб ёзуви ишлатиладиган булди. Натижада араб тили маҳаллий мустамлакаларда кенг ёйилди. Барча маҳаллий тиллар сингари туркий тилларга ҳам бу даврда араб тили билан алоқада булишда тугри келди. Араб тилининг кенг таркалиши бу тилда ёзишга, уқишга, муомала килишга ва диний акидаларни бажаришга тугри келгани маҳаллий халкларнинг маълум даражада араб тилини эгаллашга олиб келди. Бу ҳол уз навбатида узбек - араб икки тиллилиги ходисасини тугдирди. Араб маданияти ва туркий халклар маданияти, араб дини ва маҳаллий тиллар курашининг дастлабки даврида расмий жихатдан араблар томони голиб чикди. Бундай факторлар, ижтимоий – сиёсий, маданий ва маънавий алоканинг муҳим курули булган араблар тилининг араблар босиб олган улкаларда кенг таркалишига олиб келди.

Араб тилининг кенг таркалиши, узбекча (туркий) арабча ва арабча – форсча икки тиллилик, пировардида, туркий тилларга купгина арабча сузларнинг кириши ва ушлашишига сабабчи булди. Бу сузлар ҳозирги узбек тилига сингишиб кетган. Ёзувчи Б. Аҳмедов « Амир Темур» романида

арабча сузлардан мохирона фойдаланган. Асарда арабча сузлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оиддир. Масалан, муаллиф асарда « Халк» сузининг бир неча синонимларини куллайди: *раият* (7-б), *раё* (156-б), *бараё* (156-б) каби. *Олмалик ва Бешибаликда раиятдан топмачи ва доругачилар йигиб юбориб турган олик – соликдан ечиб – ичиб кун кечирадилар.* (7-б). Бу ерда оддий халк маъносида кулланилган. Раё ва бараё сузлари раиятга нисбатан куплик маънони англатиш мақсадида кулланилгандир. *Кундуз ва Хулм вилоятларини тароҷ килубдурлар, раё ва бараёга зулму захмат етказубдурлар.* (156-б).

Муаллифнинг халк сузининг бир неча синонимини келтириш унинг маҳоратидан дарак беради.

Асарда араб тилидан узлашган солиқ номларидан бири бож сузидир. *Бож дин озод, молини эрса бозорда истаган баҳода пуллайдурлар* (56-б). Асарда бож сузига ҳона аффиксоиди кушилиши орқали бож олинадиган ер, яъни божхона ясалган: *Тахти корачадаги божхонада ҳам фақат Жайхуннинг нариги киргогидан келувчилардан бож олар эрмишлар.*

Илм ва фан билан шугулланувчи мутахассислик номларидан ҳам бир нечтаси ишлатилган. Масалан, *мунажжим –юлдузшунос, муҳаддис – хадис билувчи, факик –диний ҳуқуқ билимдони* каби арабча сузлар фаол кулланилган. *Ха, Амир Темур катта олимларни, хусусан, факихлар, муҳаддислар, муаррихлар, файласуфлар, мунажжимларни хуш қурардилар.* (291-б). Муаллиф бу мутахассислик номларини келтириш билан Амир Темурнинг ҳам қандай соҳаларга қизиқишини асослаб беради.

Романда юқоридагилар билан бир қаторда диний тушунчалар билан боғлиқ сузлардан қуйидагилар фаол ишлатилади: *шайхулислом* (11-б), *хутба* (11-б), *шайх* (13-б), *факих* (291-б) каби арабча сузлар асарда фаол кулланилиб, турли хил семантик –услубий вазифаларни утайди. Шу сузлар жумласидан *жумъа намози, жумъа масжид* (11-б) сузларидан ҳам кенг фойдаланилган. Уша қуни Каршининг жумъа масжидида хоннинг муборак

номига хутба укилди.(11-б). Муаллиф бу сузларни куллаш оркали уша даврда давлат идора ишининг ислом дини билан кайдаражада боглик эканини курсатиб берган.

Асарда ҳукумдорларга ва юкори мартабали кишиларга мурожаат килиш мақсадида ҳам арабча сузлардан ишлатилган. Масалан, *сохибкирон* (7-б), *хазрат* (7-б), жаноб сузларидан кишига мурожат, ҳурмат маъносида фаол кулланилган. *Улусни хазрат сохибкирон Амир Темур курагоннинг улуг аждоди бошқариб турадилар* (7-б). Шу сузлар билан бир қаторда *жаноб олийлари* (11-б), *уломойи киром* (35-б) ибораларини ҳам фаол куллайди. – *Жаноби олийлари, Баёнқулихон марҳум отангиз даврида ок кигизга утказилгон эдилар, - деб суз қотди Улжайту* (11-б). *Уломойи киромнинг барчаси шу ерда эди* (35-б).

Ёзувчи бу сузларни улуснинг ҳукумдорларга ҳурматини, улар билан гаплашгандаги одобини курсатиш мақсадида ишлатган. Ҳеч қандай соҳага оид бўлмаган лафз (24-б), қал лан сахарлаб (16-б), уд (57-б) каби сузлар ҳам кулланилган. «Хайдо» дегани қунгиротлар лафзида «биз бирлан юр» деган экан (24-б). «Бекорга қал лан сахарлаб».

Асарда хизматкор номлари ҳам қуплаб учрайди. Ҳамма вақт подшоҳ ёнида юрувчи хизматкор номларидан мулозим, рикобдор сузлари кулланилган: Рикобдор Мамон бекнинг эгар урилмаган олапақки отининг тизгинидан тутганча қуча дарвозасининг ёнгинасида турган экан (19-б). Мулозимлари уни бир илож қилиб жанг майдонидан олиб қикдилар (8-б). Ёзувчи подшоҳнинг хизматида доимий турувчи шахсларни курсатиш мақсадида ишлатган. Бу сузлар билан бир қаторда сарой хизматкорларининг номини ҳам бериб утади. Улар орасида алп қомат қуломлар ҳам бор эди. (347-б).

Муаллиф асарда амал, унвон номларидан унумли фойдаланилган. Хон саройидаги энг қатта амал, вазир-вузаро сузлари фаол қатнашган. Умаро, вузаро ва уломойи киромнинг барчаси шу ерда эди (35-б).

Булардан ташкари амир сузи ҳам асарда фаол ишлатилган. Амирлар хурос кичкирганда жой-жойларига таркалишди (35-б).

Навоий тилида ҳам шу сузлар бошлик маъносида ишлатилган. Кичикрок амал номларидан бири «ноиб» сузидир. Бу суз уринбосар маъносида кулланилади. Тез орада девор кунчирасида доруганинг узи ноиби билан пайдо булди (97-б). Ёзувчи бу уринда давлатни кимлар идора килишини курсатишни мақсад килган. Муаллиф асарнинг яна бир жойида «сайид» сузини куллайди. Ёнига умаро, уламо ва машхур сайидларни кушди (168-б). Бу суз Навоий тилида ҳам пайгамбар авлоди маъносида кулланилган. Уларнинг авлодларини эса сайидзодалар деб атаган. Аммо сайидзоданинг элчилигидан фойда чикмади (35-б). Давлат ишларида катнашувчи диний уламолардан бирини, машойих номини тилга олади. Куп вақтини машойих, уламою фузало билан мажлис куриб утказар эди.

Асарда турар жой, макон билан боглик сузлардан «каср» сузи ишлатилган. Уни каср атрофида жойлашган хашаматли бинога жойлаштирилди (31-б). Буни даврнинг асосий кучлари яшовчи жойни курсатиш мақсадида ишлатган. Подшоҳнинг бола-чакалари ва хотинлари яшовчи жойни курсатиш мақсадида «харама» сузи ишлатилган: Деновга етганда улардан икки юзини шу ерда харама куриклаш учун колдирди (133-б).

Ёзувчи асарда харбий алоқада ёки суҳбатда ишлатиладиган сузлардан унумли фойдаланган. Масалан «Мухолиф» сузи. Баён сулдус ҳам Балх ва унга тобеъ ерларнинг черикини йигиб, мухолифи билан савашига хозирлик кура бошлади (34-б). Шундай сузлардан яна бири «истехком» сузидир. Ёғийнинг истехком куриб ултиргон жойлари, умумий сони хакида ва бошқа маълумотлар илгимизда йук (87-б). Шу сузлар билан бир каторда тобе килинган ёки иттифок тузилган калъаларни «музофот» сузи оркали келтириб утган: Кешни музофотлари билан то Жайхун сохилигача булган ерларга кушиб, Темурбекка суюргол килиб берди (33-

б). Кушиннинг таркибий қисмларини курсатиш мақсадида «гул» сузини ишлатади: Шу ернинг узида баронгор, жавонгор ва гулни сафлаб Тошарик устига караб юрдилар. Хуллас, араб тилидан узлашган сузлар харбий соҳада ҳам анча учрашини курсатади.

Муаллиф асарда тахт сузининг ҳам арабча шаклини қўллаган. Амир Темур аждоди бўлса Чингизхон замонидан бери шу олий маснадда бир юз ун туккиз йил ултурди ва ана давом этди. Ёзувчи бу билан суз такроридан қўтилган.

Асарда яна дорул бако (боқийлик) (9-б), эътимод (9-б), тарийкат (11-б), уммат (31-б), собит (51-б), сулук (108), самур (Қундуз) (32-б), турба (қабр), мархала(55-б) каби сузлар ҳам фаол қўлланилганлигини гувоҳи бўлдиқ.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёзувчи, араб тилидан қириб келган сузлардан шу даврнинг ижтимоий ҳаётини тула ёритиш мақсадида, асарнинг тарихийлигини ошириш йулида унумли фойдалана олган.

3. Форсча- тожикча сузлар.

Ўзбек тилида қадим даврларда таъсир этган эроний тиллар сугд ва қадимий Хоразм тилидир. Араблар келмасдан олдин сугдлик дехконлар ҳукмрон синф бўлган. Туркий тилларнинг VII- IX аср тарихи араб тили таъсирида ўтди. Кейинчалик эроний тиллар яна ўз мавқеини тиклади. Натижада IX-X асрларда форс-тожик адабий тили ва маҳаллий тожик тили ўзбек тилига қучли таъсир ўтказди. Бу таъсир XI- XII асрларда, айниқса қучайди. Бу даврга қелиб форс адабий тили ўша вақтда давлат, адабиёт ва дин тили бўлган араб тилини сиқиб қўяди ва истёъмолдан суриб чиқаради.

Форсий адабий тил араб тилини дастлаб шеърят соҳасидан сиқиб чиқаради. Бу жараён XI асрда батамом форс тилининг ғалабаси билан тугалланади. Форсий тил, фан, адабиёт ва маданиятга, тилига, расмий

давлат тилига айланади. Самонийлар даврида форсий тилда ёзиш кучайди. Агарда диний мистик адабиёт араб тилида ёзилган бўлса, форс – тожик тилида дунёвий адабиёт намуналари яратилди. Форс-тожик тилида (дунёвий адабиёт) расмий давлат тили, дунёвий адабиёт тили экани бу тилнинг обрусини янада орттиради.

Натижада бу хил маҳаллий туркий тилларга, жумладан, узбек тилига кучли таъсир утказади. Хозирги узбек тили лугат бойлигида, хусусан, «Амир Темур» романида анчагина тожикча-форсча сузлар ишлатилган бўлиб, асар тили лексикасида туркий сузлардан кейин иккинчи уринда туради. Булар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оиддир.

Асарда амал-унвон номлари анчагина ишлатилган. Улар асарда турли мақсадда ишлатилади. Масалан, Амир Казагон ва унинг гумашталари бундан фойдаланиб, Карши устига лашкар тортди (9-б). Гумашта сузи урнида бирор ишни олиб боришга тайинланган вакил маъносида қулланилган. Шу тоифадаги сузлардан яна бири «саркор» сузидир.

- Ҳеч зотни қолдирмай тутиб келтиринглар! – деб буюрди у Давлат саркорга. Ёзувчи бу сузни уша даврдаги ишбошиларини қурсатиш мақсадида қуллайди. Ҳаммангизга маълумки, уша даврда савдо қарвон йули орқали урнатилган. Бу қарвонда йул бошловчи одамни қарвон боши деб аташган. Асарда фаол қулланилган унвон номларидан бири «Қарвонбоши» сузи ҳисобланади. Пахмаксакол қарвонбоши остонадан қадам қуйиши билан уйнинг турида ётган ҳокимга икки букилиб таъзим қилди.

Асарда турар жой, макон билан боғлиқ сузлардан бири «Қарвонсарой» сузидир. Уни қаср атрофида жойлашган муътабар меҳмонлар ҳамда муҳожир савдогарлар тушадиган қарвонсаройга жойлаштирдилар (31-б). Подшоҳнинг сиёсий ишларни юргизадиган ва уй аъзолари яшайдиган жой номи, сарой сузи ҳам фаол ишлатилган. Бирин-

кетин соли сарой караб йул олдилар ва амир ул-умаро билан бирикдилар (8-б).

Шу сузлар билан бир каторда асарда тожик тилидан узлашган сузларнинг маиший лексикага доири ҳам анча учрайди. Шулардан бири «жувол» сузидир. «Жувол» сузига – диз кушилиши оркали коп тикадиган жуводиз игна номи ясалган. Хар бир аскар узи билан битта жувол ва жуводиз олсун (269-б). Ёзувчи бу сузларни харбий хаётни ифодалаш максадида ишлатган. Асарда мамлакатни идора килувчи унвон номининг форс тилидаги подшоҳ шакли фаол ишлатилади. Масалан: Одатда подшоҳ мактаганда мулозимда узига хос гурур, миннатдорчилик аломатлари пайдо булади (94-б). Сарой хаёти билан боглик сузларнинг яна бири «тахт» сузидир. Тахтда Угадай коон наслидан булган Донишмандчахонни утказди (9-б). Бу уринда хукмронлик бошкарувчилик маъноларини ифодалаш максадида кулланилган. Подшоҳ томонидан бериладиган тухфа номларидан «пешкаш» сузи фаол ишлатилган. Уларнинг хар бирига муносиб пешкашлар тортди (498-б).

Уй-жой буюмлардан болиш, лулаболиш сузлари кенг ишлатилган. Балким, турда, бекасам тушак устида, лулаболишга ёнбошлаб ётган улугсифат одамнинг салобати босгандир, уни (340-б). Ёзувчи бу сузни хона жихозларини ифодалаш максадида куллаган. Ёзувчи асарда ухшатиш каби ифода воситаларидан ҳам фойдаланган. Булардан бири «муру малаг» сузидир. Туглуг Темур дарахт баргларида, балки сахро кумидан ҳам куп лашкар бирлан муру малаг булиб, биз тарафга утибдур (16-б). Бу ерда муаллиф аскарнинг куплигини ва харакатини чумоли ва чигирткаларга ухшатган. Хизматкор номларидан ҳам бир нечтасини курсатиб утади. Масалан, канизак жорубкаш сузлари шулар жумласидандир. Ушбу мукаддас мазорнинг жорубкашларига ҳамда уша атрофдаги гарибу гурабога садака улашди (97-б). Улар орасида канизаклар ҳам бор эди (347-

б). Бу ерда «жорубкаш» сузи авлиёдаги сусткаш маъносида «канизак» сузи эса «чури, асир» маъносини англатиб келган.

Асарда кулланилган форсча сузларнинг катта қисми ҳарбий соҳага оид сузлардир. Масалан, «лашкар» сузи энг фаол кулланилган сузлардан биридир. Келинг, Хусайнбек, рааёни куп ранжитмайлик, лашкарга озука бериб тургани ҳам етар (84-б). Ёзувчи шу лашкар сузига -гоҳ ясовчи кушимчаси кушилиши орқали ясалган лашкаргоҳ сузини ҳам ишлатади. Кузи мундоқ лашкаргоҳ деб эълон қилинди. Бу ерда –гоҳ урин жой отларини ясаб келган. Шу кушимча орқали ясалган сузлардан яна бири «жангоҳ» сузидир. Бу суз ҳам асарда бир неча жойида ишлатилган: Кечаси билан ёккан қор жангоҳни қалин қоплаб олган эди.(53-б). Муаллиф «жангоҳ» сузини уруш майдонини ифодалаш мақсадида ишлатган. Шулар билан бир қаторда асарда ҳозирги аскар сузи урнида сипоҳ, навқар қаби сузлари ҳам қенг кулланилган. Сипоҳларнинг умумий аҳволи суриштирилгандан кейин Илёсхужаҳон уз ҳукмини эълон қилиб қуя қолди (36-б). Останада хожи барлоснинг таниш навқари қул қовуштириб турарди (16-б). Қелтирилган бу икки суз маъно жиҳатдан бир-бирига яқин, шунинг учун буларни бир синонимик қаторга қирғизиш мумкин. Асарда анжомининг номларини англатувчи сузлар ҳам анчагина кулланилган. Шулардан қамон, зирх ва тарқашларни яққол мисол қилиб қурсатиш мумкин. Баҳодирлардан ҳар бири зирх, қамон ва бешта от олсун (269-б). Бу ерда муаллиф зирх сузининг ҳарбий қийимни ифодалаш мақсадида ишлатган.

Муаллиф аскарларнинг буш вақтида нима билан машғул бўлишини қурсатиш мақсадида ишқор ва қавгон сузларини ишлатган. Айниқса, ишқор, зиёфат ва айшу ишратни яхши қурарди (10-б). Бир марта қавгон уйинида қатнашиб хоннинг махсус совринига сазовор бўлди(32-б). Ёзувчи «қавгон» сузини навқарларнинг буш вақтда утқазадиган ҳарбий тайёргарлигини ифодалаш мақсадида қуллаган. Асарда кулланилган

харбий сохага оид сузлардан яна бири «забонгир» сузидир. Бу уруш вақтида тил тутиб келувчи маъносида ишлатилган. Ёлғиз бог тепалигига етганда тил олиб келиш учун олдинга забонгирларни юборди (142-б). Харбий доирага оид асарда фаол кулланилган сузлардан яна бири «гардангашлик» сузидир. – Купдан бери гардангашлик билан куп утқариб келдик (106-б). Бу буйин товловчи, буйсинмовчи маъноларида ишлатилган. Шунингдек, «пир» сузи ҳам асарда фаол кулланилган. Бу диний унвонни ифодалаш мақсадида кулланилган. Пири Амир Шамсиддин Кулолнинг истикболига тез-тез бориб (7-б). Умуман, асарда форс-тожик тилидан узлашган сузлар жуда куплаб ишлатилган. Биз улардан асар тили учун энг характерли булганларини гурухлаб беришга ва уларнинг айримларини семантик ҳамда услубий жихатдан изохлаб беришга муваффақ булдик.

II - БОБ

«Амир Темур» романидаги историзмлар ва архаизмларнинг вазифадошлик хусусиятлари.

Тил ривожланиб, узгариб турувчи ходисадир. Бундай узгариш тил тузилишида бирдан содир булмаса-да, вакти-вакти билан юз бериши мумкин. Тилда содир булувчи узгариш ва ривожланиш тил лексик тизимида, айникса, равшан куринади. Тилда маълум объектив сабаблар, талаблар асосида янги сузлар пайдо булиб туради. Янги суз тил учун ижтимоий ҳаётда, табиатда ва жамиятда пайдо булган янги воқеликни номлаш аташ учун зарур. Тил уз услубий ресурсларини тулдириш куп маъноли сузларнинг семантик «юки»ни енгиллаштириш учун ҳам янги сузларга эҳтиёж сезади.

Тил лексикасида келтирилган қонуниятнинг акси сузларнинг истеъмолдан чиқиши, эскириш ҳам кузатилади. Сузларнинг истеъмолдан чиқишида сабаб булувчи факторлар турличадир. Сузнинг эскириши у ном булган нарс ва ходисанинг истеъмолдан чиқиши, қулланилишидан қолиш билан боғлиқ булади. Масалан, утмишда узбек тилида унбоши, юзбоши, мингбоши сингари амал-унвонлар номи маълум эди. Ҳозирда бу тушунчалар ва уларнинг келтирилган номлари узбек тили учун эскидир. Тил уз лексик тизимидаги кераксиз дублетлардан қутилишга ҳам интилади, уларнинг кераксизларидан воз кечади. Натижада бундай дублетлардан бири истеъмолдан чиқади: халқ (улус), қушин (черик), аскар (навқар), қотиб (битикчи) қабӣ.

Демак, тил лексикаси ривожда икки қарама-қарши қодиса янқиланиш ва эскириш юз бериб туради. Тилнинг янги сузларга, янги маъноларга эҳтиёж сезиши, аксинча, баъзи сузлардан воз кечиши битта асосий мақсадга- адабий тилнинг уз коммуникатив вазифасини яхшироқ ва муқаммалроқ бақаришга қаратилган булади.

Тилнинг лугат таркибини ташкил этувчи бирликларнинг ҳаётийлиги сузларнинг вазифасига кура фаоллиги ёки калоклигига боғлиқ. Тилдаги сузлар уз кулланиш доираси, кулланиш даражасига кура фарқ килади.

Суз вазифасига кура фаол булмаса ёки унинг кулланиши суст булса, у фаол сузлар катлаמידан суст сузлар каторига утади, аста-секин эскиради. Тилда кулланиш доираси тор, кулланиш доираси сусайган ёки тухтаган сузлар ҳам булади. Бундай кам истеъмол сузлар тил лугат таркибининг суст катламини ташкил килади. Суст катлам, одатда, адабий меърий лексикаси хисобланмайди, чунки меърий лексикага зарурий ва одатий сузлар киради.

Шундай килиб, тил лугат таркибидаги сузлар уч хусусиятга фаркланади: замонавийлиги, эскирганлиги, янгилиги. Сузнинг янгилиги ёки эскилиги сузнинг тилда пайдо булиш даврига курадир. Сузнинг кулланилувчанлиги ва эскирганлиги лексемаларнинг вазифасига кура фаоллиги ёки сустлигига курадир. Тил лугат таркибидаги сузлар келтирилган мезонлар асосида икки катта гуруҳга ажратилади: а) эски сузлар катлами; б) янги сузлар катлами.

Эски сузлар катламига икки тип ходиса киради. Буларни тилшуносликда историзмлар ёки тарихий сузлар ва архаизмлар деб юритилади. Аммо шу кунга қадар тилшунослар орасида бу икки гуруҳга кировчи сузларни турлича тушиниш содир булмокда. Бу нарса историзмларни архаизмлардан ажратиш масаласини чалкаштиради. Масалан, айрим тилшунослар: К. М.Галкина-Федарчук, К.В.Горшков, Н.М.Шанский «Современный русский язык»¹, И.С.Волгина, Д.З.Роденталь, М.И.Фанина, В.В.Цапуклевич «Современный русский язык»², Ш.А.Рахматуллаев «Архаизм ва историзм»³ номли асарларида историзмлар билан архаизмлар эски сузлар катлами деган умуман ном

¹ К.М.Галкина-Федарчук, К.В.Горшкова, Н.М.Шанский «Современный русский язык» МГУ.1962й 69-б.

² И.С.Волгина, Д.З.Воденталь, М.И.Фанина, В.В.Цалукевич «Современный русский язык" М. 1962. 33-б

³ Ш.А.Рахматуллаев. «Архаизм ва историзм» ТошДУ 44-б

билан атаб, историзмларни утмиши вокелигини аташ зарурати туфайли ишлатилган сузлар, архаизмларни эса у ёки бу тушунчанинг бошқача атамаси деб караса, иккинчи гуруҳ тилшунослар: С. Кенесбаев, Г.Мусабаев «Хозирги казак тили»⁴ номли ишида эски даврдаги жамиятдаги белгили бир тушунчаларга, эски-одатларга боглик сузларни архаизмлар деб хисобламайдилар. Учинчи гуруҳга кировчи тилшунослар: Р.А.Будагов, «Введение в науку о языке»⁵, А.Н.Гвоздев «Очерки постлистика русского языка»⁶ номли асарларида эскирган сузларнинг хаммасини архаизм деб атаб, мос тушунчаларнинг эскириши, тамом булишига боглик кулланишдан колиб бораётган сузларни архаизмнинг биринчи гуруги, яъни историзмлар, бир тушунчанинг эскирган атамаси сифатида учровчи сузларни услубий архаизмлар, архаизмнинг услубий кулланиши деб хисоблайди.

Хакикатдаан хам эски сузларнинг тарихий даврлар давомида белгили бир тушунчаларнинг номи сифатида кулланилиб, жамият ривожланиши билан кулланишдан колган сузларни тарихий сузлар ёки историзмлар деб аташ, у ёки бу тушунчанинг эскирган номи сифатида хисобланадиган булагини архаизмлар деб атаган маъкул.

Историзм ва архаизм масалалари узбек тилшунослигида кам урганилган масалалардан биридир. Бу ҳақда Ш.Рахматуллаев узининг «Архаизм ва историзм» номли мақоласида дастлабки маълумотни беради. Бунда архаизм ва историзмлар ҳақида қисқа маълумот берилади. Уларни бир-биридан фарқлаш масаласини қўяди. Кейинги даврларда нашр этилган катор дарслик ва қўлланмаларда: («Узбек тили лексикологияси»¹, «Хозирги узбек адабий тили»²) историзм ва архаизмларга таъриф бериш ва мисоллар келтириш билан чекланилади. Биз Б.Ахмедовнинг «Амир

⁴ С.Кенесбаев, Г.Мусабаев «Хозирги казак тили» Алма-Ата. 1962. 141-б.

⁵ Р.А.Будагов «Введение в науку о языке»

⁶ А.Н.Гвоздев. «Очерк по стилистике русского языка» М. 1955. 133-б.

¹ «Узбек тили лексикологияси». «Фан» Т. 1981.

² «Хозирги узбек адабий тили» . «Укитувчи». Т. 1980.

Темур» романидаги историзм ва архаизмларни мана шу конуниятларга асосланиб урганишга ҳаракат қилдик.

1. Асар тилида ишлатилган историзмлар.

Историзм эскирган суз типларидан биридир. Тилда историзмларни тугдирувчи асосий омил ижтимоий ҳаёт, давр тарихий шароитдир. Давр утиши билан муайян пайтда замонвий ҳисобланган баъзи предмет кулланишдан қолади. Улар тугрисидаги тасаввурлар эскиради ва тарихий фактга айланади. Натижада бу нарса ва ҳодисаларни ифодаловчи сузларни ишлатиш ҳам сусаяди ва суз аста-секин тилнинг лугат таркибининг фаол қатламидан суз қатламига ўтади. Давр утиши билан нарса ҳам унинг номи ҳам ўтмиш ҳодисасига айланади, кулланишдан қолади. Шу сабабли бу тип сузлар фанда ўтмиш давр факти историзм, яъни тарихий сузлар деб юритилади.

Историзм синхроник нутқда кулланилиши ва қуллана олишга қўра замонавийдир, ҳалос. Замонавий нутқда қулланган историзмларда эскилик қирраси сезилиб туради, суз баъзи ҳолларда ҳозирги давр киши учун тушунилиши қийин ва умуман тушунарсиз бўлиши ҳам мумкин. Ўзбек халқи ҳаётида юз берган жуда қатта ижтимоий, сиёсий, моддий ва маънавий ўзгаришлар туфайли ўтмиш-феодализм даврига оид қўпгина нарса ва ҳодисалар, тасаввурлар эскирди, истёъмолдан чиқди. Мана шу ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ўзбек тили лексикасидаги қўпгина сузлар эндиликда историзмлар қаторига ўтди. Бу сузлар ҳозирги ўзбек тилида маълум эҳтиёж туфайлигина ишлатилади ва ҳозирги давр ўзбек адабий тилининг луғавий меъёри ҳисобланмайди.

Историзм қўпроқ ўтмиш ҳақида ҳикоя қилувчи замонавий асарларда учрайди. Историзмдан тарихий мавзуларга бағишланган бадиий асарлар, тарих ва этнография фанларига оид тадқиқотларда фойдаланилади.

Б.Ахмедовнинг «Амир Темур» романида кулланилган историзмларни семантик ва услубий нуктаи назардан тубандагича гуруҳлаб курсатамиз.

1. Ижтимоий – сиёсий ҳаёт билан боғлиқ булган сузлар:

а) мансаб, амал, унвонлар номи. Коон – хокон (Чин ҳукумдорларининг унвони, буюк подшоҳ Н А Л). Мангу коон уртасида тузилган битишувга биноан (28-б). Амир- Бухорода ва баъзи мусулмон мамлакатларида хонлик, подшолик унвони ҳамда шу унвон эгаси (Уз Тил 44). Навоий асарларида амир бошлик, ҳоким, раис, пешво, бек (Н А Л 44). – Формони олийлари бош устига – дейдилар амирлар тиз чукиб бир овоздан (15-б).

Бек-айрим туркий халкларда феодализм даврида шаҳар ёки вилоят ҳокимларига, шунингдек, баъзи амалдорларга берилган унвон ёки мерос булиб утган (Уз Тил 97). Улус беклари умумдушманга қарши бирлашмадилар (15-б). Яргучи – мугуллар даврида Ясо асосида ҳукм чиқарувчи ва жазоловчи мансабдор. Ушанда яргучилар аёлларни ҳам аямаганлар (28-б). Валламат –1. Узига қарам кишиларни моддий жихатдан таъминлаб турувчи. 2. Оксокол амалдор. Кечагина Чигатой улусига қурқ булиб турган валламатлар бугун остонамизга бош уриб келиб улдирибдурлар (45-б). Мингбоши – 1. Доҳа ёки қишлоқ оксоқоли, ҳоким. 2. Қушин бошлиғи (Уз Тил). Биз сенга, углон, мингбошилиқ мансабини инъом этдук.

Давлат сарқор – ишбоши назоратчи (Н А Л) – Ҳеч зотни қолдирмай тутиб келтиринглар, - деб буюрди у Давлат сарқорга (65-б).

б) Ҳизматқорлар номилари.

Жоубқаш – супурувчи, хизматқор (Н А Л). Ушбу муқаддас мазорнинг жорубқашларига ҳамда уша атрофдаги қарибу гурабога садақа улашди (97-б). Қанзак – ёш қури, ёш хизматчи аёл, эгаси томонидан севилган қури (НАЛ) (304). Гулом –Саройда хизмат қилувчи ёш йигит , хизматқор. 2. айн. Қул. Улар орасида қанзаклар ва алп қомат гуломлар ҳам бор эди (347-б). Мулозим – подшоҳ ёки бирор амалдорнинг ёнида доим хизмат

этувчи, бирга юрувчи хизматкор (Н А Л). Ахлу аёлимиз, мулозим ва хизматкорларимиз бирлан кулга олгудек молимизни олиб, вақтинча Хуросон тарафларга кетгонимиз маъкул (22-б). Рикобдор – подшоҳ узангисида юрувчи, хизматкор (НАЛ). Шундайгина куча эшикнинг ёнгинасида рикобдор унинг эгарланган отини жиловлаб турган экан (49-б). Карол – хизматкор, кул. Унинг кароли куйларни хайдаб келгунча уни яна гапга солди (256-б). Курчи- подшоҳ ахлу аёлини куриклаб юрувчи киши. Курчилардан бири кулидаги найзани дарахтга йулади-да, чопиб бориб табибнинг култигига кирди (104-б).

2. Касб – ҳунар лексикасига оид сузлар.

Накбчи –лаҳм казувчи. Калъанинг текислик тарафига накбчилар тайинланди. Кемачи – кемани бошқарувчи киши кема билан дарёдан киши ва юк утказиш ёки ташиш иши билан шугулланувчи киши (Уз Тил). Манжаникчи – ичига тош солиб отадиган мосламани бошқарувчи киши. Нафт андоз – нефтни ёндириб отувчи, камалдаги калъага нафт отувчи махсус курилма ва уни бошқарувчи киши; раъд андоз – ут отувчи мослама ва уни бошқарувчи киши. Жайхун кемачилар ҳамда манжаникчилар, раъд андоз ва нафт андозларни уларга кушиб калъанинг Дарёи кулзум тарафига юборди (359-б)

3. Харбий соҳага оид сузлар.

Асарда кулланилган историзмларнинг асосий қисмини харбий соҳага оид сузлар ташкил қилади. Шундай сузлардан қуйидагиларни келтириш мумкин. Масалан, чанок – кушиннинг кичик канотлари. Чиндовул кушиннинг дум қисми хировул – кушиннинг илгор қисми кетидан боровчи махсус харбий булинма. Хировул, чиндовул ва чанокларга ҳам муносиб беклар қуйилди (99-б). Жавонгор – кушиннинг сул каноти. Баронгор – кушиннинг марказ қисми, бино. Шу ернинг узида баронгор, жавонгор ва гулни сафлаб Тошарик устига караб юрдилар (99-б). Чонги –от устида утказиладиган қиска харбий кенгаш. – Манглай қисмига сизлар бош

булинглар, - деди хон (15-б). Гажарчи (Ажарчи) – йул курсатувчи. Кушин ва карвонга йул курсатиб борувчи. У ёғийнинг лашкарига гажарчи булиб келаётган Махмудшоҳ Ясовурий эди (23-б). Чир ва тура-кушинлар тухтаганда харбий лагер олдига тусиб куйиладиган махсус тусик четан. Истехком – мудофаа учун курилган мустахкам тусик, девор. Теварак – атрофини чир ва туралар билан ураб, истехкомга айлантирди (53-б). Тархон урта асрларда хизмати сингган амирларга бериладиган унвон. Улар олиқ-солиқдан деярли озод килинганлар, туккиз марта жиноят килмагунча ясоқка тортилмаган. Нуён – мугул кучманчи феодалларига, хусусан кушин тепасида турган вакилларига берилган унвон. Кушинни Хомид тархон билан Кирилтик нуён бошкариб бордилар (53-б). Чухра-хон ва подшоҳларнинг ихтиёридаги махсус харбий булинма жангчиси. Чухраликка зодаган ва узига тук одамларнинг болалари олинган. Икки мулозими, хизматкори ва чухралари билан дала четига бориб беда гарамида туради (97-б). Канбул-лашкар канотини химоя килиб турувчи махсус харбий қисм. Лекин жавонгирнинг канбули, хировули ва каровули, шунингдек, жавонгор, баронгор уз уринларида колдирилди. Мурчил – хар бир кушин учун белгилаб берилган ер. У ердан қалъа буржлари ва дарвозаларига қараб ер остидан ура қазиб борилган. Бошка кушинлар ҳам шу тарика уз мурчиларига урнашдилар (247-б). Айгоқчи – махфий агент, воқеанавис, жосус (Уз Тил 35). Баёнқулихоннинг айгоқчилари Соли саройда ишкор хусусида гап бошланган захотиёқ Қаршига чопар юборибди (10-б). Хабарчи- душман хусусида олиб келувчи, разведкачи; форсий қулёзмаларда хабаргир деб ёзилган. Асарда икки шакли ҳам учрайди. Уша улқаларга олиб борадиган йулларни яна бир марта тафтиш килиш учун хабарчилар юборилди. Забонгир – тил тутиб келувчи. Хандак – ура: душман лашкарини утқазмаслик мақсадида қалъа теварагига қазиб, сув тулатиб куйилган кенг ва чуқур зовур: махсус мудофаа иншоати. Чорток – турт гушалик тепалик: харбий мақсадларни қузлаб курилган

хандакнинг нариги тарафига хабаргир ва забонгирлар жунатилди, лашкарнинг бир кисми лаҳм казиш ва чартоқлар куриш билан банд булди. Юкорида келтирилган «айгокчи» сузига синоним ҳолатда хуфъя сузини ҳам фаол ишлатилган. Хуфъя – махфий, яширин юборилган киши. Юборилган хуфъялар эса ханузгача дом-дараксиз (135-б).

Асарда рамзий маънога эга булган харбий соҳага оид сузлардан бири «туғ» сузидир. Калъадан ок туғ кутариб чиккан суворийлар отдан тушдилар ва хазрат соҳибкирон олдида тиз чуқдилар (260-б).

4. Харбий маиший соҳага оид сузлар.

Бу соҳага оид сузлардан бири «камон» сузидир. Камон-каттик ёғочнинг икки учидан тортиб эгиб ярим доира шаклида ясалган ук ёй солиб отиладиган кадимги қурол (Уз Тил). Гурзи – тукмок шаклидаги харбий қурол. Найза қул билан отиб ёки санчиладиган учи уткир қурол (УзТил). Килич – уткир тигли узун харбий қурол. Зирх – ук ва тиг утмайдиган уруш кийими. Бағтар – темирдан ясалган, усти баҳмал ёки заррин матоли уруш кийими. Садок – тирдон (укдон). Жуводдиз – коп тикиш учун ишлатиладиган йугон игна. Юзбошилардан хар бири чодир, ун беш от, жуводдиз, килич, камон, садок, гурзи, чуқмор, зирх ва бағтар олиши керак (569-б).

5. Подшоҳлик инъомлари номлари.

Подшоҳ узининг яқинларига ва шахзодаларига босиб олинган мамлакатларни инъом этган. Буни уша даврда суюрғол деб атаган. Суюрғол– подшоҳнинг яқинларига доимий фойдаланиш учун бериладиган ер – сув. Бунинг эвазига Кешни музофатлари билан, то Жайхун соҳилигача булган ерларга кушиб, темирбекка суюрғол килиб берди (33-б). Пешкаш – тортик қилмок, тухфа этмок, совга. Уларнинг хар бирига муҳосиб пешкашлар тортди (498-б). Укулка – аскарларга жанг олдидан таркатиладиган маҳсус совга. Синохийларнинг хар биттасига беш

кепакийдан укулкаулашди, йигирма бош мол суйдириб элга ош бердирди.(90-б).

6. Солик номлари ва шу билан боглик сузлар.

Асарда солик номларидан бир нечта тури ишлатилади. Уларнинг асосийларидан бири «бож» солик номидир. Бож – катта подшоҳ томонидан узига карама подшодан олинадиган солик номи. Бож тупланадиган жойни эса божхона деб атаган. Тахти корачадаги божхонада ҳам фақат Жайхуннинг нариги киргогидан келувчилардин бож олар эрмишлар (56-б). 1. Хирож – урушиб олинган, карам килинган мамлакатлардан енгган подшоҳ томонидан олинадиган солик. 2. Халкдан ундириладиган солик (НАЛ). Хонга фақат бир неча марта йигиладиган хирожнинг бир кисмини юбориб турса бас (33-б). Шу соликларни тупловчи амалдорни эса закотчи деб атаган. Закотчи – солик йигувчи амалдор. Унинг закотчилари туплашга кодир булмаганларнинг уйига бостириб кириб, нимаси булса олиб чикиб кетганлар (558-б). Солик номларидан яна бири «улпон» сузидир. Элчи юбориб, уялиб – нетмай Амир Темурдан ҳам улпон талаб килаётган - чи ?!

7. Асардаги кулланилган огирлик улчов бирликларидан номланиши.

Асарда кулланилган огирлик улчов бирликларидан бири –манн. Манн – урта асрларда амалда булган огирлик улчови: бир манн тахминан 23,6 кг.га тенг. Пул улчов бирликларидан эса «динор» сузи фаол кулланилган. Динор- Латвия, Тунис, Ирок, Югославия, Яман, Жазоирда пул бирлиги (Уз. Тил. 228). Динор олтин акча (НАЛ 190) каби изохланган. Уша кишда бир манн тарикнинг бахоси етмиш динорга кутарилди, бир сигирни юз динорга, бир бош куйни икки юз динорга сотишди (443-б). Асарда фаол ишлатилган яна бир пул бирлиги кепакийдир. Динорий кепакий – Чигатой хонлардан Кепакхон (1318-1326) тарафидан муомалага киритилган ва огирлиги 4,235 грамм булган кумуш танга. Сипохийларнинг хар биттасига беш кепакийдан укулка улашди (90-б). Шулар билан бир каторда узунлик,

яъни йул улчов бирлиги ҳам ишлатилган. Улардан мархам, фарсах сузларининг изохини келтирамиз. Мархала- манзил тухташ жойи, бир куплик йул. Лекин, афсуски, шаҳарга уч мархала колганда шахзоданингжони узилди (55-б). Фарсах – бир йил ичида узунлиги икки фарсах келадиган Шахристон бино этилди (232-б).

8. Аҳоли яшовчи булим номлари.

Асарда аҳоли яшовчи булимларни хажмига караб ҳар хил номлар билан ифодалаган. Шулардан фаол кулланилганларидан бири булук. Булук 1.Вилоят, шаҳар атрофи, туман, катта кишлоқ. 2. Туда, гуруҳ дивизия (НАЛ). Хирот буликларидин катта микдорда галла ва дон-дун ташиб келтирилди (232-б). Касаба сузи ҳам асарда фаол ишлатилган сузлардан биридир. Касаба – кишлоқдан каттароқ аҳоли булими: шаҳарча. Туман 1.ун минг. 2. туман (уезд, район. НАЛ). Темурбек одамларини дабдурустдан Термиз ёки унинг музофатидаги бирон касаба ёки туманга бошламади (88-б).

9. Сарой тузилиши ва жихозлар билан боғлиқ сузлар.

Асарда сарой тузилиши билан боғлиқ сузлардан бири куринишхонадир. Куринишхона – подшоҳ қабулхонаси. Куринишхонада бир четда турган баҳши билан эшик огадан бошқа ҳеч ким йук (31-б). Тахт – Подшоҳнинг маросимларида утирадиган махсус уриндиги (НАЛ). Тахт оркасида етти нафар чухра учи уткир, узун найза кутариб, серрайиб турардилар (31-б). Хазина – подшоҳ саройидаги бойлик сакланадиган жой. Хазинанинг эшигини ҳаммага ланг очиб қуйибди-я, азамат! (90-б). Маснад – юксак урин, суянчик, тахт. Амир Темур аждоди булса Чингизхон замонидан бери шу олий маснадда бир юз ун туккиз йил ултирди (13-б).

10. Диний тушунчалар ва диний раҳбарлар билан боғлиқ сузлар.

Асарда диний унвон номларидан бир нечтаси тилга олиниб утади. Энг фаол кулланилганлардан бири «машойих» сузидир. Машойих – шайхлар, кексалар (НАЛ). Уша қуниёк колган – кутган беклар, уламо ва машойихни

туплаб, шаҳар мудофааси хусусида кенгаш утказди (23-б). Шайхул ислом – Исломда энг катта диний мансаб (НАЛ). – Ха, хонни ҳам, шайхуллислом жанобларини ҳам кундирамиз (11 –б). Пир - 1. Кари, кекса. 2. Маж. Бирор диний рухоний гурухнинг бошлиги, рахбари: эшон, шайх, суийлар бошлиги. Пири Амир Шамсиддин Кулолнинг истикболига тез-тез бориб, ул жанобнинг суҳбатини олиб турарди (7-б). Хутба – 1. Жумъа ва хайит намозларида хатиб томонидан минбарга чикиб, диний панд – насихат сузлари айтиш (бунга мамлакат подшоҳининг номи ҳам кушилар эди). 2. Никох килиш пайтида имом томонидан укиладиган дуолар. 3. Хутба давлат укумок- Подшоҳнинг номини хутбага кушиб, униинг хукмронлигини эълон килмок (НАЛ). Уша куни Каршининг жумъа масжидида хоннинг муборақ номигахутба укилди (11-б). Турба – 1. тупрок ер. 2. маж кабр. Кобил фарзанди амирзода Жаҳонгирнинг турбаларини зиёрат килди (447-б). Такфинламок – кафанламок, ок матога урамок. Таъзиядан кейин мурдани ювиб – тараб такфинладилар ва арча ёғочидан ясалган тобутга солди. (555-б). Жумъа масжиди – жумъа намози укиладиган муътабар даргоҳ.

II. Вакт улчови билан боглик сузлар.

Каллаи сахарлаб – эрталаб, сахар пайти. Бекорга келмагандир каллаи сахарлаб, бирон жиддий воқеа содир булган, деб фикрлади узица (16-б). Чошгоҳ – ҳозирги вақт билан соат 9 лар чамаси Темурбек Кешга чошгоҳдан сал утиб етиб борди. (19-б). Шулар билан бирга вақтни намоз уқиш вақти билан ҳам атаган. Хуфтон намозидан кейин – коронги тушгандан кейин. Хуфтон намозидан кейин Темурбекни шунинг учун махсус тикилган чодирга кузатиб куйишди (26-б). Намози бомдоддан сунг – эрталабки намоздан кейин – Улуг отамиз эл-улус ташвиши бирлан бугун намози бошдоддан сунг Мугилистонга жунаб кетдилар (35-б).

Историзмлар тургун иборалар, бирикмаларидан иборат булиши мумкин. Бундай тургун бирикмалар «Амир Темур» романида куплаб ишлатилиши билан киши диққатини тортади. Намозижуъа – ҳафтанинг бешинчи куни укиладиган намоз – Тангри таоло насиб этса, янаги намози жумъани Самаркандда адо этгаймиз (12-б). Давлат саркор – давлат ишининг назоратчиси, ишбоши. – Хеч зотни колдирмай тутиб келтиринглар ! – деб буюрди у Давлат Саркорга. Сохиб ихтиёр – инин – ихтиёрнинг эгаси. Сохиб ихтиёр булса, борган сари хаддидан ошди (57-б). Мурожаат учун кулланилган бирикмалардан бири – аъло хазрат.

- Барлос умокидин тарагай баходирнингболаси булса мен, аълохазрат (31-б). Уламои киромсаховатли буюк олим (билимдон). Умаро, вузаро ва уламои киромнинг барчаси шу ерда эди (35-б). Мурожаат учун кулланилган бирикмалардан яна бири – вазири аъзам сузи. Вазири аъзам, туман ва хазора бошликлари ва углонларни бу ерга чакиринг (52-б). Аркони давлат – тожу тахт ва давлат устунлари, яъни вазирлар, амирлар, рухонийлар ва б.к. Амирлар ва аркони давлат билан келишиб олишга фурсат булади (563-б). Дуои салом – бирор киши шаънига айтиладиган мактов суз. Хатда киска дуои саломдан кейин мана бу гаплар ёзилган эди. (16-б). Парвардигори олам – худонинг эпитетларидан бири. -Парвардигори олам сизларни ҳамиша уз паноҳида асрасун.

Демак, ё зувчи « Амир Темур» даври ижтимоий ҳаётини кишиларнинг яшаш шароитини укувчи куз олдида яккол гавдалантириш учун ҳозирги тилимиз учун тарихий сузлардан ва тарихий тургун бирикмалардан уринли ва унумли фойдалана олган.

2. Асар тилида архаизмлар.

Архаизм эскирган суз типларидан бири булиб, замонавий нарса ва ходисаларнинг эскириб колган номларидир. Историзмда предмет ёки ходисанинг узи ҳам, номи ҳам эскирган булади, архаизмда эса предмет

ёки ходиса замонавий булиб, унинг утмиш номи ёки номларидан бири истеъмолдан чиқади. Натижада нарса ёки ходиса ҳозирда янги, бошқа ном билан юритилаётган бўлади. Шунинг учун нарсанинг эскирган номи унинг янги номи олдида қандайдир нотабиийрок туюлади. Мана шу нотабиийлик архаик лексиканинг меъёрий лексикага нисбатан олинганда қандайдир эскилик, эскирганлик қиррасига эга бўлишینی курсатади.

Архаик сузлар эҳтиёж талабига кура, замонавий синхроник нутқларда ишлатилувчи, аммо замонавий меъёрга қирмовчи сузлардир. Архаизмнинг эскирганлиги бу тип сузларнинг замонавий нутқда қулланиш даражаси, нарса- ходисалар номи сифатидаги ҳолатига кура белгиланади. Бундай индивидуал, жузъий нутқ фактлари эмас, оммавий нутқ, сузининг оммавий қулланиш ҳолати ҳисобга олинади. Мана шу нуқтаи назардан баҳолаганда архаик сузлар лексемалардир. Демак, архаизм тил суғ лугат фонди мулкидир. Агар историзм утмиш даври нарса ёки ходисаларнинг бирдан-бир номи бўлса, архаизм замонавий, яъни ҳозирда ҳам ишлатилувчи нарса ёки ходисанинг номларидан биридир. Демак, нарса ёки тушунча икки ҳил, ҳам тарихий, ҳам замонавий номга эга бўлади. Бу хусусият ҳар қандай архаик сузнинг замонавий синоними дублети борлигини курсатади.

Тилда эскириш турли қуринишда намоён бўлади. Суз ёки суз маъноларидан бири эскиради. Ёхуд эскирган булак бутун суз эмас, балки унинг морфемик таркибига тааллуқли бўлиши ҳам мумкин. Бунда баъзи суз ясовчи ёки шакл ясовчи қушимчалар фаолияти суғлашган тухтаган бўлади. Худди шунингдек турғун иборалари – фразеологик бирликларнинг ҳам эскириш мавжуд. Эскириш лингвистик материалдан қайси бирига тегишли эканига кура «Амир Темур» романидаги архаизмларни иккита катта гуруҳга ажратамиз: 1. Лексик архаизмлар. 2. Грамматик архаизмлар.

Лексик архаизм эскирган суз (номдир). Нарса ёки ходисанинг номларидан бири эскиради, тилнинг суғ катламига утади. Лексик

архаизм бадий ёки илмий мақсадларда утмишга мурожаат қилинганда эсга олинади. Масалан, «Амир Темур» романида бунга қуйидагича мисоллар келтириш мумкин. Мунажжим - / астролог, юлдузшунос/. – Хак гапни айтдингиз аълохазрат. Тасодиф бу, авор этинг, - мунажжим икки букилиб улуг амирга таъзим қилди, Илми нужум – юлдузлар илми, астрономия. Лекин Улугжонимиз илми нужумга оид китобларни куп мутолаа қиладурлар (563-б). Бунда мунажжим, илми нужум эскирган ном, астроном, астрономия вазифадош ном. Худди шу каби «Халк» сузининг бир нечта эскирган номини беради. Улус: Лекин яхши замонлар келиши ва улуснинг инон ихтиёри барибир бир кун унга насиб этишига имони қомил (13-б). Халк сузининг иккинчи бир синоними раият сузидир. Амир Берқалнинг угли Тарагач баходир юмшок кунгил, раиятпарвар, мумин мусулмон одам эди (7-б). Халк сузининг учинчи эскирган номи «рааё» сузидир. Мен элу улуснинг эмну омонлиги, рааёнинг рифоҳияти, деб шу ишга кул уруб турибмен (28-б). Халк сузининг туртинчи синоними авом ун-нос сузидир. Авом ун-нос оддий халк, қора халк маъносида ишлатилган. Қуйинг ушал авом ун-нос. Хуқумдорлар қачон ушал авом ун-носнинг маслаҳатига зориккан ?! (118-б).

Юқорида келтирилган мисолларнинг ҳаммаси ҳозирда фаол сузлар қаторидан жой олган халк сузини истеъмолдан чиққан синонимларидир. Шулар билан бир қаторда «қушин» сузининг ҳам истеъмолдан чиққан эскирган номлари ишлатилган. Булардан бири «черик» сузидир. Бу суз асли туркий сузлар қаторига мансубдир. Баён силус ҳам Балх ва унга тобе ерларнинг черикини йигиб, муҳолифл билан савашишга ҳозирлик қура бошлади (34-б). Қушин сузининг эскирган номи лашқар. Келинг Хусайнбек рааёни куп ранжитмайлик, лашқарга озуқа бериб тургани ҳам етар (89-б).

Архаизмнинг тугилиш сабабини аниқлаш куп ҳолларда қийин бўлади. Лугат бирлиги бирор жихатдан эскириб, уз урнини бошқа лугат

бирлигига бушата бориш натижасида архаизм пайдо булади. Бундай жараённинг воқе бўлишига турли-туман сабаблар олиб келади. Архаизм умуман синонимларга асосланади. Шунга кура архаизмнинг пайдо бўлишини изохлашда синонимик муносабатдаги лугат birlikларининг ҳолатига, тараккиётига суяниш лозим булади. Бунда асосан куйидаги сабаб курсатилади.

Синонимларнинг нутқда бир хил ишлатилмаслиги натижасида улардан баъзилари архаизмларга айланади: авваллари фаол ёки бошқалари билан тенг ишлатилган лугат birlikи уз синонимларига караганда нутқда оз ишлатилади, архаик тус олади. Масалан, романдаги бундай синонимик катордаги сузлардан куйидагиларни киритиш мумкин. Асарда айёр, мугомбир, хийлагар, кув, устамон синонимик катордан (Уз ТС Ил 18) кув архаизмга айлангани фаол ишлатилган. – Мен сени довдираб бошка ерга кетиб колдимму, деб чучигон эрдим. Кувсен, баччагар, кувсен! (566-б). Худди шунингдек таржимон, тилмоч синонимик катордан (Уз СТИЛ 85-б) асарда тилмоч сузи ишлатилган. Хазрат соҳибкирон уша захотиёк тилмочни чакиртириб, каттик танбех берди (567-б). Киши организмларидан илик (эски ном) кул вазифасидаги ном. Масалан, Барча тобеъ ерлари бирлан кушуб, Чигатайхон хонадони мулозимларининг илгига топширилиши адлу инсоф намунаси булур эрди (183-б). Шулар билан бир каторда эскирган номлардан бири навкар сузи фаол кулланилган. Темурбек чодирга кириб, четрокда ухлаб ётган навкарнинг оёгига тепди (26-б). Бундан ташқари асарда «сипох» сузи ҳам фаол ишлатилган. Хар бир сипохийга хазинадан ун беш кепакийдан инъом улашиладиган булди (36-б).

Бу ҳолат архаизмнинг пайдо бўлиш сабабини чуқур изохлаб бермайди. Архаизмнинг пайдо бўлишидаги асл сабабларни аниклаш мураккаб лингвистик текширишлар утказишни талаб килади. Чунки архаизмнинг тугилиши тилда доим содир бўлиб турадиган ходиса билан

семантик тараккиёт, силжиш, узгаришлар билан боглик булади. Бундай жараён бир томондан тил тараккиётининг факат hozirги боскичи билан чегараланган холда урганиб булмайди: а) иккинчи томондан, архаизмга олиб келувчи хар бир жараён хар гал индивидуал ёндашишни талаб килади. б) Роман тилидаги айрим грамматик архаизмлар. Эскириш сузнинг бутун таркибида юз бериши мумкин. Бундай эскириш грамматик архаизмни тугдиради. Суз таркибида hozirда вазифадош булмаган, тилнинг утмиш даврига хос булган суз ясовчи ёки суз узгартувчи кушимча булади. Hozirги замон узбек адабий тилдаги – ар сифатдош ясовчи кушимчаси урнида - ур кушимчаси фаол кулланилган. Мени кечиринг, бобо! Айбимни кон бирлан ювурмен (518-б). Hozirги узбек тилида сифатдош ясовчилар урнида энг фаоли - ган кушимчаси урнида – гон кушимчаси ишлатилган. Бу кушимча энг серунум кушимча хисобланади. – Бас, етар, жаноблар, бу барчага аён булгон хакикат (419-б). Шахс-сон кушимчасининг биринчи шахс бирлик шаклининг архаик варианты – мен асарда куп ишлатилган: Не юмуш бирлан бу тарафларга келаётирсан? Шунингдек, айрим олмошларнинг архаик шакллари асарда куплаб учрайди. Масалан: Hozirги замон узбек адабий тилидаги уни олмоши урнида они олмоши ишлатилиши билан асар тилининг тарихийлигини оширишга харакат килган: Фитнаю фасод ути бошка вилоятларга хам таркалмасдан бурун они дархол учирш тадорикини кургон маъкул, амирзадом (297-б). Улар кишилик олмоши урнида алар олмоши ишлатилаган. – Кургон мажидда «агар муъминлардин икки тоифа бир-бири бирлан урушиб колсалар, аларни дархол келиштириб куйинглар» деган таъкид бор (418-б).

Асарда шулар билан бир каторда hozirги замон узбек адабий тилидаги лекин богловчисининг ишлатилиши хам диккатни жалб килади. Лекин зидлов богловчиси урнида локин богловчиси ишлатилган. Уша сохибкирон дегангизнинг подшоҳ эрканлиги маълум эрмас, лекин

курагонлигини эшитгон эрдик (424-б). Шунингдек асарда айрим архаик кумакчилар ҳам фаол ишлатилган. Билан кумакчисининг бирлан шакли фаол кулланилган. Мухаммад Дарвеш барлос бирлан Темурхужа Окбуго шу ердаму? (413-б). Бу кумакчининг кейинги уринда бошка шаклини курамиз. У чикиб кетаётганда эса эшитилар-эшитилмас «жавоб мактубини эратаминен олурсиз» деди (424-б). Шулар билан бирга асарда юкламаларнинг кулланилиши ҳам диккатга сазовордир. –ми сурок юкламасининг урнида – му сурок юкламаси фаол ишлатилган. Агар Усмон Аббос булмагонда, амирзоданинг холи не кечишини айтиб ултурмаса ҳам буладур, шундай эмасму амирзода? (437-б).

Аникрок килиб айтганда, асарда асар тилининг таъсирчанлигини, тарихийлигини, оммага, халкка тушунилиши осон булиши учун ҳамда даврнинг руhini бериш максадида айрим грамматик шаклларнинг архаик шаклига мурожаат килганини курамиз.

Хулоса.

Бадий асар тилини атрофлича урганиш узбек тилшунослигининг мухим масалаларидан хисобланади. Чунки, бадий асар тили адабий тил тизимининг кириш кисмини бадий асар тилининг урганилиш тарихига багишладик. Маълумки, узбек тилшунослиги бадий асар тилини урганишда анча тажрибага эга. Бу ишлар бир-биридан уз мавзуси буйича фарк килади. Лекин шу кунга кадар индивидуал асарда архаизм ва историзм масалалари урганилмай келмокда. Биз бу тажрибани Б.Ахмедовнинг «Амир Темур» романида ишлаб куришга харакат килдик.

Ишимизнинг биринчи кисмида «Амир Темур» романидаги историзм ва архаизмларнинг тарихий асосларига тухталдик. Бундаги историзм ва архаизмларни этимологик жихатдан уч гурухга булиб ургандик:

1. Асл туркий сузлар.

2. Арабча сузлар.

3. Форсча, тожикча сузлар.

Маълумки, узбек тили лугат таркибида тарихан кадимги даврлардан бери мавжуд булиб келган купгина туркий сузлар мавжуд. Асардаги мана шундай сузларни имкони борича ишлатилишига ахамият бердик. Сунгра узбек тилининг кайси тиллар билан алоқаси кучлилиги ва асарда ишлатилган сузлар микдорига кура араб ва фор-тожик тилларидан узлашган сузларни мисоллар асосида курсатиб, маъноларини изохлашга ҳаракат килдик. Биз асардаги ҳамма узлашган сузларни изохлаб бера олдик дея олмаймиз. Биз улардан диққатга сазовор айримларигина текшириш объекти килиб олдик. Ҳамда шу сузлардан ёзувчи қай даражада фойдалана билганлигини курсатишга интилдик.

Малакавий ишимизнинг иккинчи боби «Амир Тему́р» романидаги историзм ва архаизмларнинг вазифадош хусусиятларини курсатишга бағишланган. Биз ишимизнинг бу қисмида архаизм ва историзмларнинг урганилишига қисқача тухталдик. Бизнинг асосий мавзумиз тарихий катламга оид сузларни аниқлаш ва урганиш булганлиги сабабли архаизм ва историзм ҳақидаги фикрларга, мулоҳазаларга алоҳида тухталиб ўтдик. Шу фикрлардан келиб чиқиб тарихий даврлар давомида белгили бир тушунчаларнинг номи сифатида қулланилиб, жамият рифоғланиши билан қулланишдан қолган сузларни тарихий сузлар деб, у ёки бу тушунчанинг эскирган номи булиб ҳисобланадиган булагини архаизмлар деб номлаш йўналишига амал қилиб, асарда уларни аниқлаб ва маъносини изохлаб беришга ҳаракат қилдик. Дастлаб историзмларни ижтимоий ҳаётнинг қайси соҳаларига оидлигига қараб гуруҳлаштирдик:

1. Ижтимоий- сиёсий ҳаёт билан боғлиқ булган сузлар.
2. Қасб – ҳунар лексикасига оид сузлар.
3. Ҳарбий соҳага оид сузлар.
4. Ҳарбий-маиший соҳага оид сузлар.

5. Подшоҳлик инъомлари номлари.
6. Солик номлари ва шу билан боглик сузлар.
7. Асардаги улчов бирликларининг номланиши.
8. Аҳоли ясовчи булим номлари.
9. Сарой тузилиши ва жихозлари билан боглик сузлар.
10. Диний тушунчалар ва диний унвонлар номлари.
11. Вакт улчови билан боглик сузлар.

Уларининг маъносини аниқлашда асосан Навоий асарлари лугати ва Ўзбек тилининг изохли лугатига мурожат қилдик.

Асарда ишлатилган архаизмларни эса асосий икки гуруҳга ажратдик.

1. Лексик архаизмлар.
2. Грамматик архаизмлар.

Асардаги архаизмларни қуриб чиққанимизда уларнинг айримларининг ҳозирги кунда яна умумистеъмолга кириб келаётганининг гувоҳи бўлдик. Масалан: вилоят, туман, вазир ва бошқа сузлар шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, романдаги архаизм ва историзмларни маълум гуруҳ асосида урганиб чиқишга муваффақ бўлдик.

Ишимизнинг урганилиш объектининг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда, асардаги историзм ва архаизмларнинг бошқа хусусиятларига тухталиб утирмадик. Тарихий катламга оид сузларнинг маъносига қура турлари, маъно қучиш қаби лексик хусусиятлари ҳақида келгусида янада бир қанча ишлар қилса арзийди.

Демак, ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, Б.Аҳмедовнинг «Амир Темур» романидаги историзм ва архаизмлар уринли ва унумли ишлатилган. Муаллиф тарихий сузларни қуллаш орқали асарда давр руҳини яққол қурсатиб берган. Бунинг мазкур ишимиз тарихий мавзуларга бағишланган асарларидаги историзм ва архаизмларни урганишда тайёр тил далиллари сифатида, тарихий ҳамда этнографик асарлари тадқиқ қилишда

шунингдек, халк тарихининг айрим кирраларини ёритиш ишига хисса кушилади деган умиддаман.

Илова.

Асарда кулланилган тарихий катламга оид сузларнинг изохли лугати.

Авом ун –нос - оддий халк, кора халк.

Амир – бошлик, хоким, раис, пешво бек.

Бараё – халклар, инсонлар.

Багтар – темирдан ясалган, усти бахмал ёки заррин матоли уруш кийими.

Болиш – ёстик.

Гарданкаш – буйин товловчи, итоатсиз.

Гумашта – бирор ишни олиб боришга, бажаришга вакил килинган икки ноиб.

Доругача – шаҳарда тартиб сакловчи маъмур.

Жавонгор – кушиннинг сул каноти.

Жувол – катта коп.

Забонгир – тил тутиб келувчи.

Илги – кули.

Камон – камалак, ёй, ракс.

Мархала – бир кунлик йул.

Маснад – суянчик. 2. Тахт, юксак урин, ҳукумдорлик.

Музоф – кушилган, алокали, нисбатли.

Рааё – оддий халк.

Саййид – бошлик етакчи: 2. Пайгамбар авлоди.

Сипох – аскар, кушин. 2. Амалдор.

Суяук – йул тутиш, яхши йулга кириш.

Павочи – подшонинг буйругини тегишли ерларга етказувчи ва амалга оширувчи амалдор.

Турба – тупрок ер. 2. маж кабр.

Уд – оловга солганда хуш ис берадиган ёғоч, чолгу асбоби.

Уламо – олимлар, билимдонлар.

Факих – фикх илмининг олими, диний ҳуқук билимдони.

Чанох – кушиннинг ички канотлари.

Чиндовул – кушиннинг оркасидан юрадиган сокчи отряд.

Чонги – от устида утказиладиган киска кенгаш.

Шикор – ов; шикор килмок – ов килмок.

Ядачи – яда тоши ёрдамида довул, кор ва ёмгир ёгдирувчи одам, жодугар.

Ясовул – интизом сакловчи.

Ясол – кушинни сафга тизиш.

Ясок – жазо, жазо тортмок, жазоламок.

Каср – кургон, сарой, олий хашаматли бино.

Коким - териси майин ва ок жунли хайвон, шу теридан тикилган пустин.

Гул – занжир халка, темир халка.

Гулом – саройда хизмат килувчи ёш йигит, хизматкор: 2. айн, кул.

Хазрат – жаноб, хурматли.

Харам – хос жой, уз ахли булмаган кишилар киритилмайдиган жой.

Хировул – кушиннинг илгор кисми, разведкачи.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Абдурахманов Г.А. Адабий асар тилини урганиш хакида. Узбек тили уқитиш методикаси. Т. 1996.
2. Ахмедов А. Бадий асар тилини урганиш хакида. УТАМ. 1960 №3.
3. Ахмедов Б. «Амир Темур романи» Т.1995.
4. Бердимуратов Е. Адебий тилдин функционаллык стиллеринин рауажланыуы. « Каракалпакстан». Н. 1973.
5. Дониёров Х, Мирзаев С. Суз санъати. Т. 1962.
6. Жураева Ж. Хамза Хакимзода Ниёзийнинг « Майсаранинг иши» комедиясининг тили хакида. У.Т.А. 1964.
7. Насриддинов Ф. «Утган кунлар» романида тил ва услуб. Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари туплами. 5-китоб. Т. 1963.

8. Насриддинов Ф. Бадиий асар тилини урганиш масалаларига оид баъзи мулохазалар. Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари туплами. 5-китоб. Т. 1963.
9. Назарова Х. «Зарбулмасал» нинг баъзи бир лексик хусусиятлари. УТАМ 1959 №2.
10. Муталлибаев С. Узбек тили лексикаси кечмишидан. Т. 1959.
11. Рахматуллаев Ш. Архаизм ва историзм. Т. 1963.
12. Содиков А. Абдуазизов А, Ирискулов М, Тилшуносликка кириш. Т. 1981. «Укитувчи»
13. Турдиалиев Б. Хамза ва узбек адабий тили. «Фан» Т. 1981.
14. Турабеков С. Тил ва услуб. Т. 1963.
15. Шамсиев П. Иброхимов С. Навоий асарлари лугати. Т. 1972.
16. Шоабдурахманов Ш. Ойбек романларининг тили. «Шарк юлдузи» журнали. 1955. №10.
17. Шукуров Н. Индивидуал услуб ва тил. У.Т.А. 1972.
18. Шукуров Н. Бадиий услуб ва тил. УТА. 1972.
19. Узбек тилининг изохли лугати. Т. 1981.
20. Кучкаров И. Бадиий суз сеҳргари. «Шарк юлдузи» 1967. №8.
21. Хожиев А. Узбек тили синонимларининг изохли лугати. «Укитувчи» Т. 1974.